

№ 46781 - сонли ПУДРАТ ШАРТНОМА

2022 йил «7» октябрь

Яйпан шаҳри.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома биринчи томон ва иккинчи томон Низом асосида иш юритувчи «УЛУГБЕК КИЗИЛ КАКИР» МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари Ф.Махмудов Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Ўзбекистон туман Тиббиёт бирлашмаси номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Х.Курбонов ўрталарида куйидаги максадларда тузилиди:

1. Шартнома предмети:

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуксон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги таъмирлаш ишлари бажарив беради:

КТМП биноси иситиш тизимини жорий таъмирлаш.

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 65 000 000 сўмни ташкил килади.

1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чишиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилганни холда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова килинади.

1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун муддатда яъни 30.10.2022-йилгача жорий таъмирлаш ишлари якунланиши шарт.

2. Хисоб-китоб шартлари:

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун хисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошка тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан кабул килиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган курилиш монтаж ишларини сметаси ёки калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб хисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аникланса ва белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» хисобидан копланади.

2.2. «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида толовни амалга оширади хамда тўлик хисоб-китобни «Иш бажарувчи» курилиш монтаж ишларини бажаргандан сўнг 30 кун ичida амалга оширади.

2.3. Курилиш монтаж ишларини бажарилиши жарёнида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашёлар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари кийматидан ушбу сарфланган хом-ашёлар ва материаллар киймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан хисоб-китоб килинади.

3. Томонлар хукуки ва мажбуриятлари:

3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатлariда кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган холатда бажарив берадиган жорий таъмирлаш ишлари мазкур шартномада хужжатларига кўзимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловни амалга оширилмайди.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматларни) бир кисми ёки хаммаси сифатсиз бажарилганини аникланаб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишдадалолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз кисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблаглари хисобидан кайтадан бажарив берилади. Ушбу кўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган курилиш монтаж ишларини нуксон иловаларида (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошка тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи»ни таъминлайди.

3.4. «Буюртмачи» бажарилган курилиш монтаж ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб кабул килиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада тўғрисидаги кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

3.5. Агар хукукни химоя килувчи органлар томонидан текширишларда амалга оширилган жорий таъмирлаш ишлари бўйича «Буюртмачи» га «Иш бажарувчи» томонидан курилиш ишларини бажарилганини тўғрисидаги тақдим этилган хужжатлардаги нархларда ёки бажарилган иш хажмида камомад аникланган тақдирда ушбу камомад «Иш бажарувчи» томонидан тўлик копланади.

4. Жарималар кўланилиши:

4.1. Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуксонларни бартараф этишдан бош торгса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган курилиш монтаж ишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган холда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибида ундириб олинади.

4.2. Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган курилиш монтаж ишларини умумий кийматини 0.5% микдорида хар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлади.

4.3. Қабул килинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичida асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиқтирилган кун учун қабул килинган иш (хизмат) микдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.4 % микдорида «Иш бажарувчи» га пея тўланади.

4.4. Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришданозод этмайди.

5.Форс-мажор:

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда холларда бузилса (яъни сув тошкини, ёнгин, зилзила, бошка табиий оғатлар ва хукуматнинг махсус карорларини бажариш билан боғлиқ холатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати:

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2. Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмириш ишлари учун ўз вактида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун кўшимча вакт белгиланади.

6.3. Шартнома қўйидаги холларда муддатидан олдин бекор килиниши мумкин:

а) Томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган курилиш монтаж ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» омонидан белгиланган тартибида хужжат расмийлаштирилиб тегишли хуласа олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) буюртмачи харажатлар сметасига ёки лойиха-смета хужжатларига белгиланган тартибида ўзгартариш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани холда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д) Нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг, бажарилган жорий таъмириш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки купайиши) лозим бўлгани холда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишила, асосларини келтирган холда хат билан маълум килади.

7. Кўшимчашартлар:

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмагантакдирда Ўзбекистон Республикаси Конуналарига асосан Иктиносий судлари оркали хал килинади.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувохнома) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун таъълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибида ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартаришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб сўнг амалга оширилади.

Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»

“УЛУГБЕК КИЗИЛ КАКИР” МЧЖ

(Иш бажарувчи)

Манзил: Ўзбекистон тумани Шакаробод МФЙ
Тел./факс _____
х/р 20208000704770670001
СТИР 301137001
ОКОНХ _____

Банк номи: ДТҲаётк банки Ўзбекистон филиали
МФО: 00792

Рахбар:



Ф.Махмудов

«Буюртмачи»

**Ўзбекистон туман Тиббиёт
бирлашмаси**

(буюртмачи)

Манзил: Ўзбекистон тумани Богизрам МФЙ
Тел./факс _____

ш/х* 400322860302307072110054002

СТИР 200189162

ОКОНХ _____

Молия вазирлиги Ғазначилиги Ягона газна
хисоб вароги 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Х.Курбонов



Рахбар:

С.С. (имзо)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumanı, Yaypan shahar, Ziyokor ko'chasi
Tel: (99873) 539-15-38, el.pochta: uzbekiston.t.yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 07 oktabr

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

- 1.Loyihaning turi : Shartnoma.
- 2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnoma.
- 3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tuman Tibbiyot birlashmasi.
- 4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:

O'zbekiston tumani Tibbiyot birlashmasi va "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" mas'uliyati cheklangan jamiyatni o'rtasida jami qiymati 65.000.000 so'm bo'lgan KTMP binosi isitish tizimini joriy ta'mirlash yuzasidan ishlab chiqilgan "Pudrat shartnomasi" to'g'risidagi shartnoma loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirdorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlarini bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdag'i shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zar o'tishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zar o'tishi kerak. Shartnoma shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdar shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonuning 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilar uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Tibbiyot birlashmasi xarid komissiyasining 30.09.2022-yildagi tanlov o'tkazish ma'lumotiga asosan O'zbekiston tumani Tibbiyot birlashmasi KTMP binosi isitish tizimini joriy ta'mirlash yuzasidan o'tkazilgan tanlovda "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" mas'uliyati cheklangan jamiyati tanlov g'olibi deb belgilangan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib, yuqoridaqilarga asosanlangan holda

XULOSA QILAMAN:

O'zbekiston tumani Tibbiyot birlashmasi va "ULUG'BEK QIZIL QAQIR" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida jami qiymati 65.000.000 so'm bo'lgan KTMP binosi isitish tizimini joriy ta'mirlash yuzasidan ishlab chiqilgan "Pudrat shartnomasi" to'g'risidagi shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

Markaz boshlig'i



A.Ergashev



Таедиклайман

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси
бошлиги: _____ X.А.Курбонов

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмасига 2022-йил харажатлар сметасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланишт ҳамга товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида танлов савдоларини ўтказиш-ищчи гурухининг

Йигилиш баёни № 30

07.10.2022

Ўзбекистон туман

Йигилишда қуйидаги аъзолари катнашдилар:

Раислик қилувчи :

Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги:Х.Курбонов

Аъзолари :

Иқтисодий ва умумий масалалар бўйича
бошик ўринбосари:Ф.Мамадалиев

Даволаш ишлари бўйича
бошик ўринбосари: И.Махкамов
Ташкилий услугий бўлим бошлиги:С.Умаров
Бош иқтисодчи:А.Хатамов

Йигилиш кун тартибида қўриладиган масала:

Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси КТМП биноси иситиш тизимини жорий таъмирлаш учун 23.09.2022 йилда etender.uzex.uz дастурида 22110012154173 лот орқали жами 65 404 000 сўмлик эълон жойлаштирилган.

Йигилиш қарори:

Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ 684 сонли конунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибида

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада аке эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид килиш хужожатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига мухокама килиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқilmайдi.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул килади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган мухокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг мухокама даврида щикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли “ULUG’BEK QIZIL QAQIR“ МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи :

Аъзолари :

Х.Курбонов

Ф.Мамадалиев

И.Махкамов

С.Умаров

А.Хатамов